## ЎРТОҚ А. И. МИКОЯН ГЕРМАНИЯ ДЕМОКРАТИК РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ПАЛАТАСИНИНГ ПРЕЗИДИУМИДА БЎЛДИ

БЕРЛИН, 8 апрель. (ТАСС). КПСС Марказий Комитети президиумининг а'зоси, СССР Министрлар Совети раисининг ўринбосари ўртоқ А. И. Микоян ва Германия Бирлашган социалистик партиясининг IV с'ездида қатнашган КПСС делегациясининг а'золари кеча СССР элчиси ўртоқ В. С. Семенов блан биргаликда Германия Демократик Республикаси Халқ палатасининг президиумида бўлдилар.

Халқ палатасининг раиси Иоганнес Дикман палата президиуми номидан меҳмонларни самимий табриклади ва ана шу олий халқ вакиллигининг состави ҳамда ишлари тўғрисида уларга сўзлаб берди. Дикман Халқ палатасининг фаолияти бутун немис халқининг миллий вазифаларини амалга оширишга ва Германия-Совет дўстлигини мустаҳкамлашга қаратилганлигини уқтириб ўтди.

А. И. Микоян Иоганнес Дикман блан қилган суҳбатида Германияни демократик асосда тинч йўл блан ривожлантириш учун Халқ палатасининг фаолияти катта аҳамиятга эга эканлигини та'кидлади. Шу муносабат блан А. И. Микоян халқнинг хоҳиши блан вужудга келтирилган ва халқнинг иродасини бажарувчи Германия Демократик Республикаси олий халқ вакиллигининг демократик характерда эканлигини алоҳида уқтириб ўтди ва унинг ишига янги муваффақиятлар тилади.

Суҳбатнинг охирида Иоганнес Дикман, Халқ палатаси Совет Иттифоқи блан Германия Демократик Республикаси ўртасидаги муносабатлар тўғрисида Совет ҳукуматининг яқинда қилган баёноти муносабати блан ўз зиммасига юкланган катта жавобгарликни яхши билади, деб уқтириб ўтди ва республикага доим ёрдам кўрсатиб келаётганлиги учун Совет Иттифоқи ҳукуматига самимий ташаккур билдирди.

Суҳбат самимий, дўстона вазиятда ўтди.

## ПОЛЬШАНИ ЭЛЕКТРЛАШТИРИШ

ВАРШАВА, 6 апрель. (ТАСС). Халқ-Польшасида социализм асосларини қуриш олтийиллик планига мувофиқ, шаҳар ва қишлоқларни, шунингдек саноат ва қишлоқ хўжалигини электрлаштиришдан иборат кенг программа амалга оширилмоқда. Польша электрлаштириш даражаси жиҳатидан урушдан илгари энг кейинги ўринларнинг бирида турар эди.

Гитлерчилар томонидан вайрон қилинган электростанциялар урушдан кейинги йилларда тикланди ва тамомила реконструкция қилинди ҳамда янги электростанциялар қурилди. Саноат корхоналарида бирқанча электростанциялар ва маҳаллий аҳамиятга эга бўлган бирқанча электростанциялар қурилди.

Бунинг натижасида ўтган йили Польшада 13,6 миллиард киловатт-соат, я'ни урушдан аввалдагига нисбатан 3,7 марта кўп электр қуввати ишлаб чиқарилди.

Электр саноатининг ривожлантирилиши саноат ва қишлоқ хўжалигини ғоят тез электрлаштириш имконини берди. Саноатда ишлаётган ишчилар сони 1937 йил блан 1953 йил орасида, икки баравар кўпайди. Кўмир чиқариш ва ташиш ишларини электрлаштириш, металлургия тўқимачилик саноатидаги ва саноатнинг бошқа тармоқларидаги ишлабчиқариш процессларини электрлаштиришда катта муваффақиятларга эришилди.

Халқ Польшасида 1945 йилдан тортиб 1953 йилгача ўтган даврда 10 мингга яқин қишлоқ ва кўпгина давлат қишлоқ хўжаликлари электрлаштирилди.

Польша Бирлашган ишчи партиясининг II с'езди халқ хўжалигини янада ривожлантириш юзасидан катта программа белгилади. Электрлаштириш бу программада муҳим ўрин тутади.

## Корея Халқ-Демократик Республикаси меҳнаткашларининг моддий фаровонлиги ошмоқда

ПХЕНЬЯН, 8 апрель. (ТАСС). Корея Меҳнат партияси ва Корея Халқ-Демократик Республикаси ҳукумати томонидан халқнинг моддий аҳволини яхшилаш йўлида тадбирлар кўрилаётганлиги нархларнинг камайтирилиши, ишҳақининг оширилиши ва савдо шохобчаларининг кенгайтирилиши натижасида республика меҳнаткашларининг харид қуввати ошди ва товар обороти кўпайиб бормоқда. Корея Марказий телеграф агентлигининг хабар беришича, шу йил март ойида республиканинг давлат магазинларида хилма-хил моллар февраль ойидагига қараганда 27 процент кўп сотилган. Март ойининг кейинги ўнкунлигида чакана савдо ўша ойнинг иккинчи ўн кунлигидагига нисбатан 60 процент кўпайган.

## Мўғулистон Халқ республикаси блан Хитой Халқ Республикаси ўртасидаги савдо алоқалари кенгаймоқда

УЛАН-БАТОР, 8 апрель. (ТАСС). «Унен» газетаси билдиради: 7 апрельда Улан-Баторда Мўғулистон Халқ Республикаси блан Хитой Халқ Республикасининг 1954 йилда бир-бирларига товарлар етказиб беришлари тўғрисида протокол имзоланди. Битим ҳар икки мамлакатнинг бир-бирларига етказиб берадиган товарларини бундан буён яна кўпайтиришни кўзда тутади.

Имзоланган протоколга мувофиқ, Мўғулистон Халқ Республакаси Хитой Халқ Республикасига от, мўйна ва чорвачилик маҳсулотлари етказиб беради, Хитой Халқ Республикаси эса Мўғулистон Халқ Республикасига шойи газлама, кўн-теридан ясалган буюмлар, қуруқ ва ҳўл мева ҳамда бошқа товарлар етказиб беради.

Протокол имзоланиши муносабати блан Мўғулистон Халқ Республикаси бош министрининг ўринбосари Лубсан Хитой савдо делегацияси шарафига қабул маросими ўтказди.

## Хитойда халқ вакилларининг маҳаллий мажлисларига сайлов

ПЕКИН, 8 апрель. (ТАСС). Халқ Хитойида халқ вакилларининг маҳаллий мажлисларига ўтказилаётган сайлов тамом бўлай деб қолди. «Гунженькибао» газетасининг бугун билдиришига қараганда, 20 мартгача 307 миллиондан ортиқ киши яшаётган районларда сайлов тамомланган.

Газетанинг билдиришича, 9 вилоят ва 12 та йирик шаҳарнинг аҳолиси ўзининг халқ вакилларини сайлаган. Яна беш вилоят ва икки шаҳарда сайлов асосан тамомланган. Шарқи-Шимолий Хитойда сайлов кампанияси тугалланган. Ички Мўғулистонда сайлов участкаларининг 92,8 проценти ва Ғарби-Жанубий Хитойда сайлов участкаларининг 73,6 проценти ўз ишларини тамомлаган. Олинган ма'лумотларга қараганда, 27 вилоятда ва 30 шаҳарда ўтказилган сайловда барча сайловчиларнинг 88 проценти қатнашган.

Газетанинг билдиришича, шаҳарларнинг кўпчилигида халқ томонидан сайланган вакилларнинг асосий қисми ватанга садоқатлари ва фидокорона меҳнатлари блан халқнинг муҳаббати ҳамда ишончига сазовор бўлган коммунистлардан, Янги-Демократик ёшлар союзи а'золаридан, ишчилар синфининг вакилларидан иборат.

## Румания блан Туркия ўртасида савдо ва тўловлар ҳақида битим тузилди

БУХАРЕСТ, 8 апрель. (ТАСС). Румыния Халқ Республикаси блан Туркия ўртасида савдо ва тўловлар ҳақида битим имзоланганлиги тўғрисида хабар берилади.

Бу битимга мувофиқ, Туркия Руминияга балиқ, зайтун, цитрус мевалар, гуруч, пахта, кўн-тери, ошлаш материаллари ва бошқа товарлар етказиб беради.

Румыния Халқ Республикаси Туркияга тракторлар ва қишлоқ хўжалик машиналари, саноат ускуналари, станоклар, химикалиялар, нефть маҳсулотлари, қоғоз, цемент, дераза ойнаси ва бошқа товарлар етказиб беради.

## Тиранада жосуслик-қўпорувчилик тўдаси устидан суд

ТИРАНА, 8 апрель. (ТАСС). Жосуслик-қўпорувчилик тўдаси устидан бўлаётган судда кеча тўда бошлиғи Зенель Шеҳудани сўроқ қилиш давом этди. У, Албания территориясида туриб, чет эллардаги Америка жосуслик марказига икки ой давомида жосуслик характеридаги информацияни топшириб турган, американлилар манфаатини ва собиқ король Зоғу фойдасини кўзлаб халқ ҳокимиятига қарши агитация юргизган, қўзғолон тайёрлашни ва ажнабийларнинг қурол кучи блан оралашувини тайёрлашни мақсад қилиб қўйган. Судланувчининг сўзларидан Зоғу бошчилик қилаётган ва хоинлардан иборат хилма-хил тўдаларнинг йўлбошчилари бошчилик қилаётган албан контрреволюцион эмиграцияси ўзларига пул бераётган америка ва инглиз разведкалари қўлида қурол бўлиб қолганлиги аён бўлди.

Сўнгра судланувчи Халил Браница сўроқ қилинди. У Зоғу шахсий соқчилигининг собиқ капитани ва собиқ жандармдир. Браница Зоғу воситаси блан Америка разведкасига олинган ва четэлларда америка инструкторлари раҳбарлигида жосуслик курсини тамомлаган. У, 1952 йил август ойида Америка самолётидан парашют блан Албания территориясига туширилган. У, жосуслик-қўпорувчилик тўдасига қўшилиб ишлаши лозим бўлган, броқ давлат хавфсизлик органлари томонидан ушланган.

## Франциянинг Ҳиндистондаги ерлари ҳақида Нерунинг айтганлари

ДЕҲЛИ, 8 апрель. (ТАСС). Бош министр Неру Халқ палатасида нутқ сўзлаб, бундай деди: Франциянинг Ҳиндистондаги ерларини «референдум ўтказмасдан» Ҳиндистон блан қўшиб юбориш тўғрисидаги талабни бутун халқ қўллаб-қувватламоқда. Шу сабабли бу ерлар Ҳиндистонга ҳақиқатан дарҳол топширилиши лозим. Конституция проблемалари ҳал қилингандан кейин шу ерларнинг топширилиши расмийлаштирилиши лозим. Шу мақсад блан, — деди Неру, — Ҳиндистон ҳукумати Франция ҳукумати блан музокаралар бошлашга тайёр.

## Генерал де Голльнинг матбуот конференциясидаги баёноти

ПАРИЖ, 8 апрель. (ТАСС). Кеча генерал де Голль матбуот конференцияси ўтказиб, бунда Франциянинг сиёсати ҳақида баёнот берди.

Де Голль «Европа мудофаа бирлашмаси» ҳақидаги шартномани қоралаб, уни «ғайри табиий авантюра» деб атади. «Агар, бахтга қарши, — деди у, — бу шартнома ратификация қилинадиган бўлса, у Францияни ўз тақдирига ўзи эга бўлиш имкониятидан абадий маҳрум этиб қўйган бўлур эди». «Франция, — деди де Голль ўз сўзини давом этдириб, — ўз мустақиллигини, суверенитетини ва озодлигини сақлаши зарур».

Де Голль айтдики, Франция АҚШ блан Совет Иттифоқи ўртасидаги муносабатларнинг яхшиланишидан манфаатдордир ва бунга ёрдам бериши лозим. Де Голль Франциянинг мустақил ташқи сиёсат юргизишини ёқлаб гапирди.

## Канадада яшовчи руслар ва украинлар Украинанинг Россия блан қайта қўшилишининг 300 йиллигини нишонламоқдалар

ТОРОНТО, 8 апрель. (ТАСС). Буерда Канадада яшовчи украинлар бирлашган жамияти ўлка ижроия комитети ва Канадада яшовчи руслар федерацияси бош правлениеси Украинанинг Россия блан қайта қўшилишининг 300 йиллигига бағишлаб биргаликда тантанали мажлис ўтказдилар.

Бу мажлисда Канададаги барча руслар ва украинларга қарата мурожаат қабул қилинди. Бу мурожаатда қуйидагилар айтилади:

— Бундан учюз йил илгари Переяслав Радасида Украинани Россия блан абадий бир давлат қилиб бирлаштириш тўғрисида қарор қабул қилинган эди. Улуғ давлат арбоби ва саркарда Богдан Хмельницкий ўша вақтдаёқ олдиндан кўриб билганидек, бу чора украин миллатини сақлаб қолди. Бу чора ҳар икки халқнинг кучларини мустаҳкамлади ва уларнинг ажнабий душманлар томонидан бўлган барча ҳужумларни қайтаришларига, чор ҳукуматининг зулмига қарамай, ўз хўжалиги ва маданиятини ривожлантиришларига ҳамда озодлик учун ва шундан кейинги тараққиётлари учун биргаликда кураш олиб боришларига имкон берди.

Украинлар ва руслар уч аср мобайнида улуғ давлат шовинистларининг ва украинали хоин миллатчиларнинг ҳар икки халқ ўртасида душманлик туғдириш йўлидаги уринишларига зарба бериб, биргаликда порлоқ йўл босиб ўтдилар. Улар барча миллатларнинг ўз тақдирларини ўзлари белгилаш ҳуқуқи ва ҳуқуқий тенглиги асосида биргаликда Совет Социалистик Республикалари Иттифоқини ташкил қилдилар. Улар ҳозирги вақтда тинчликни ва жаҳондаги барча халқлар ҳамда давлатлар ўртасидаги дўстликни биргаликда қаттиқ туриб ҳимоя қилмоқдалар.

Биз, Канадада яшовчи украинлар ва руслар, — дейилади мурожаатнинг охирида, — бу улуғ байрамни Канаданинг демократик тараққиёти учун, барча мамлакатлар блан ва, биринчи навбатда, Совет Иттифоқи блан дўстлик, савдо-сотиқ учун ва маданий алоқаларни йўлга қўйиш учун, узоқ давом этадиган тинчлик учун курашда барча яхши ниятли канадалиларни бирлаштириш ишига янада катта ҳисса қўшиш блан нишонлаймиз.

## СССР Қизил Крест ва Қизил Ярим Ой Жамиятлари Союзининг Ироқнинг сув тошқинидан зарар кўрган аҳолисига ёрдами

БАҒДОД, 7 апрель. (ТАСС). Кеча СССРнинг Ироқдаги Мувақкат Ишлар Вакили И. Н. Якушин Ироқ бош министри Фадил Жамолий ҳузурига бориб, Тигр (Дажла) дар'ёсида сув тошқини бўлганлиги натижасида Ироқ халқининг бошига тушган кулфат учун Совет ҳукуматининг ачинганлигини изҳор қилди, шунингдек унга СССР Қизил Крест ва Қизил Яримой Жамиятлари Союзи Ироқ Қизил Яримой Жамиятига Ироқнинг сув тошқинидан зарар кўрган аҳолисига ёрдам кўрсатиш учун 120 минг сўм пул беришга қарор қилганлигини айтди.

Бош министри Ф. Жамолий Совет ҳукуматининг ва бутун совет халқининг қардошларча ёрдам ва ҳайрихоҳлик кўрсатганликлари учун уларга Ироқ ҳукумати ва халқининг чуқур ташаккурини топширишни илтимос қилди. Ироқ халқи ва ҳукумати, — деди, у, — Ироқ учун шундай қийин пайтда Ироқ халқига ёрдам қўлини чўзган совет халқининг олижаноблигига юксак баҳо берадилар.

## Ироқдаги сув тошқинининг оқибатлари

ПАРИЖ, 6 апрель. (ТАСС). Франс Пресс агентлиги мухбирининг Бағдоддан берган хабарига қараганда, сув тошқини натижасида мамлакатнинг тўрт вилояти территориясидаги экинлар тамомила нобуд бўлган. Бутун чорва молларининг учдан бир қисми ҳалок бўлган.

Бағдоддаги саноат корхоналарининг 75 проценти ишдан чиққан. Учта темир йўл ҳам ишдан чиққан. Ҳозирги вақтда саҳро орқали Иорданияга ва Сурияга борадиган йўлгина Ироқ пойтахтининг ташқи дун'ё блан алоқа қилишига имкон бермоқда.

## Люксембург депутатлар палатаси «Европа армияси» ҳақидаги шартномани ратификация қилди

ПАРИЖ, 8 апрель. (ТАСС). Франс Пресс агентлигининг хабар беришича, кеча Люксембург депутатлар палатаси «Европа армияси» тузиш тўғрисидаги шартномани ратификация қилган. Коммунист депутатлар шартноманинг ратификация қилинишига қарши овоз берганлар.

## Совет шахматчилари Уругвайда

МОНТЕВИДЕО, 8 апрель. (**ТАСС махсус мухбири**). 6 апрельда Монтевидеода гроссмейстерлардан Керес, Котов, Геллер ва Толуш уругвайли 80 шахматчи блан бир вақтда ўйин қилди. Гроссмейстерлар 76 ўйинни ютдилар, 3 ўйинни ютқаздилар ва бир ўйинни дуранг қилдилар.

**Гроссмейстер А. ТОЛУШ.**

## МОСАДДИҚ СУДИГА ДОИР

ТЕҲРОН, 9 апрель. (ТАСС). Эроннинг собиқ бош министри Мосаддиқ ва Эрон армияси генерал штабининг собиқ бошлиғи Риёҳий иши юзасидан берилган шикоятни қараб чиқувчи иккинчи инстанция ҳарбий суднинг кеча биринчи мажлиси бўлди.

Бу мажлисда Мосаддиқ ўзини ҳозирда ҳам бош министр деб ҳисоблаётганлигини ва шу сабабдан, ҳарбий суд унинг ишини қараб чиқиш ҳуқуқига эга эмаслигини, шунингдек ўзига (Мосадиққа) бўйсунган бригада генерали Азмуде ҳам бу иш юзасидан қораловчи бўлиш ҳуқуқига эга эмаслигини яна билдирди.

Мосаддиқ ўз ишини олий граждан судига берилишини талаб қилди.

Суднинг галдаги мажлиси 10 апрельга тайинланди.

# Тошкентда



Тошкент шаҳрининг атрофи йилдан-йилга обод ва кўркам бўлмоқда, янги ишчи посёлкалари, кварталлар, асфальт ётқизилган кўчалар пайдо бўлмоқда, ишчи ва хизматчилар учун кўплаб янги уй-жой бинолари қад кўтармоқда. **Суратда:** экскаваторчилар шаҳарчасидаги кўчалардан бири.

**А. Палехов фотоси.**

### Агрономларнинг янги отряди

Тошкент қишлоқ хўжалик институтида мутахассисларнинг навбатдаги группасини чиқариш маросими бўлиб ўтди. 246 киши пахтачилик, ғаллакорлик, пиллачилик, мевачилик бўйича, агрохимия ва тупроқшунослик бўйича агроном дипломини олди.

Ёш мутахассислар Ўрта Осиё республикаларидаги МТСларга, колхоз ва совхозларга ишга юборилдилар. Улардан кўплари қўриқ ва бўз ерларни ўзлаштиришда иштирок этиш учун РСФСР ва Қозоғистон ССР га жўнаб кетади.

Тошкент қишлоқ хўжалик институти Ўзбекистондаги энг йирик олий ўқув юртларидан биридир. Чорак аср давомида бу институт тўрт мингга яқин агроном тайёрлаб чиқарди.

### Қасаба союз активларининг семинари

Тошкент шаҳридаги фабрика-завод ишчилар та'миноти комиссиялари ҳамда корхона ва муассасалар маҳаллий комитетлари раисларининг «Узсовпроф»да ўтказилган уч кунлик семинари ўз ишини тамомлади. Семинарда 50 дан ортиқ киши қатнашди.

Семинар қатнашчилари «Совет касаба союзлари — коммунизм мактабидир». «Партия ва ҳукуматимизнинг совет халқи моддий-маиший ва маданий турмуш даражасини ошириш ҳақидаги ғамхўрлиги», шунингдек савдо ва умумий овқатланиш корхоналарининг тармоқлари устидан контроль ўрнатиш практикаси ҳақида. Ишчилар та'миноти комитетининг фаолияти тўғрисида ва бошқа темаларда лекциялар тингладилар.

Семинар охирида тингловчилар ўз иш тажрибаларини ўртоқлашдилар.

### Артист Эшмуҳамедов ижодий фаолиятининг 30 йиллиги

Тошкентда сан'ат ходимларининг дам олиш куни клубида Охунбобоев номидаги ёш томошабинлар республика театрининг энг кекса артисти, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Н. Эшмуҳамедовнинг туғилганига 50 йил ва ижодий фаолиятига 30 йил тўлган кунга бағишланган кеча бўлиб ўтди.

Юбилярнинг ижод йўли ҳақидаги докладдан кейин кеча қатнашчилари Н. Эшмуҳамедов қатнашган спектакльлардан парчаларни, у иштирок этган «Тоҳир ва Зуҳра», «Алишер Навоий» кино-фильмларидан олинган кадрларни кўрдилар.

Ўзбекистон пойтахтининг сан'ат ходимлари Н. Эшмуҳамедовни табриклаб, унга ижодий ишида янги муваффақиятлар тиладилар.

### Ўқувчиларнинг илмий конференцияси

Яқинда Сталин районидаги 95-нчи қизлар ўрта мактабида «Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг раҳбарлигида ўзбек Совет адабиётининг гуллаб-яшнаши» деган темада юқори синф ўқувчиларининг илмий конференцияси ўтказилди. Конференция ишларида Низомий номидаги Давлат педагогика институтининг шу мактабда педагогика практикаси ўтказаётган 3-нчи курс студентлари, райондаги 45-нчи эрлар, 13-нчи ва 59-нчи қизлар ўрта мактабларининг ўқувчилари актив иштирок этдилар.

Конференцияда мактабнинг 10-нчи синф ўқувчиларидан З. Алимова «Гражданлар уруши ва халқ хўжалигини тиклаш даврида ўзбек совет адабиёти», И. Муродова «Улуғ Ватан урушигача бўлган даврда ўзбек совет адабиёти», Б. Одилова «Улуғ Ватан уруши ва урушдан сўнгги даврда ўзбек совет адабиёти» темаларида мазмунли докладлар қилдилар. Ҳарбир доклад давомида ўзбек совет адабиёти вакилларининг ижодий муваффақиятлари блан таништириш мақсадида ўқувчилар Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий, Ҳамид Олимжон, Ғафур Ғулом, Ислом шоир Назар ўғли каби отоқли шоирларнинг ше'рларидан намуналар ўқидилар.

Конференция охирида 8, 9, 10-нчи синф ўқувчиларининг иштирокида биринчи ўзбек совет революцион шоири ва драматурги Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийнинг «Бой ила хизматчи» драмасидан учинчи кўриниши кўрсатилди.

### Совет колхоз бозори учун 1 миллион 400 минг сўм

Октябрь район ижроия комитети совет колхоз бозорларини обод қилишга бу йил алоҳида э'тибор бермоқда. Ана шу мақсадда 1 миллион 400 минг сўм пул ажратилди. Бу маблағ колхоз бозорларида янги корпуслар, павильонлар, гулзорлар, водопроводлар қуриш, бозор майдони ва йўлларига асфальт ётқизиш ҳамда электр чироқлар блан ёритиш учун сарфланади. Ҳозир Октябрь бозорида тўртта корпус қурилиши олиб борилмоқда. Улардан биттаси тайёр бўлиш олдида турипти. Яқинда бозор территориясида 130 кишига мўлжалланган янги кафе қурилиши бошланади. Кафени янгича усулда жиҳозлаш учун 420 минг сўм пул ажратилди.

### Уй-рўзғор ишлари блан шуғулланучи аёллар учун лекциялар

Яқинда Сталин районидаги Маданият клубида уй-рўзғор ишлари блан шуғулланучи аёллар учун «Социалистик Ватанимизда ахлоқий тарбия» деган темада лекция ўқилди. Бунга 300 дан ортиқ аёл қатнашди. Лектор ўртоқ Бердиев ёш авлоднинг ахлоқий тарбиясида совет мактаби блан бир қаторда оиланинг ҳам муҳим роль ўйнашини уқтириб ўтди.

Лекциядан сўнг Маданият клуби хор тўгараги а'золари концерт қўйиб берди. Шаҳар партия комитети бундан кейин ҳам уй-рўзғор ишлари блан шуғулланучи аёллар учун системали равишда лекциялар уюштириб туради.

### Маҳаллада кутубхона

Сталин районидаги Самарқанд дарвоза маҳалласида янги кутубхона очилди. Бу кутубхона 13 минг сўмлик китоб фондига эга. Унда рус ва ўзбек адабиёти классиклари ҳамда совет ёзувчиларининг асарлари бор. Китобхонлар Л. Толстой, И. Тургенев, А. Пушкин, Муқимий, совет ёзувчиларидан В. Маяковский, Ҳамза Ҳакимзода, А. Фадеев, Ғ. Ғулом, Н. Тихонов, К. Симонов ва бошқаларнинг асарларини олиб ўқимоқдалар.

Бундан ташқари кутубхонада марксизм-ленинизм классикларининг асарлари, фан-техника ва қишлоқ хўжалигига оид илмий-оммабоп китоб ва брошюралар ҳам бор. Яқин кунларда кутубхона яна 10 минг сўмлик китоб сотиб олади.

Кутубхона «Правда», «Известия», «Пионерская правда» ва республикамизда чиқадиган газеталар ҳамда «Огонёк», «Смена», «Вожатий», «Совет Ўзбекистони» каби журналларни ҳам олиб туради.

### Инглиз драматургларининг асарлари Ўзбекистон театрлари саҳнасида

Тошкентдаги Горький номли драма театри коллективи инглиз ёзувчиси Ч. Диккенснинг «Ушоқ Доррит» номли романи бўйича янги спектакль-инсценировка кўрсатди.

Инглиз ёзувчиларининг асарлари республика театрларининг репертуарида кўпайиб бормоқда. Ҳамза номидаги Ўзбек давлат академик драма театрида Шекспирнинг «Оттело», «Гамлет», «Ромео ва Жульетта» пьесалари бирнеча йиллардан бери муваффақиятли равишда қўйилиб келмоқда. Бошқа театрларда Фильдингнинг «Тузоққа тушган судья», В. Шоунинг «Пигмалион» номли пьесалари қўйилмоқда.

**Редактор З. ЕСЕНБОЕВ.**

### ТЕАТР ВА КИНОЛАРДА:

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА — 10/IV да **Гамлет**, 11/IV да кундуз **Онла**, кечқурун **Отелло**.

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 10/IV да **Бўронда**. Ўзбекистон ССР халқ артистлари **А. И. Бойко, И. Н. Есипов** ва бошқалар қатнашади, 11/IV да кундуз **Доктор Айболит**. Ўзбекистон ССР халқ артисти, Сталин мукофоти лауреати **Галия Измайлова** қатнашади, кечқурун **Улуғ канал**. Ўзбекистон ССР халқ артистлари, Сталин мукофоти лауреатлари **Мукаррама Турғунбоева, Галия Измайлова** ва Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар қатнашади. Дирижёр — СССР халқ артисти, Сталин мукофоти лауреати, профессор **Мухтор Ашрафий**.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 10/IV да **Офтобхон**, 11/IV да кундуз **Нурхон**, кечқурун **Муқимий**.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — машҳур қизиқчи («Мардлар майдони» кинофильмининг қатнашчиси) **Олег Попов** гастрольлари. Тамошаларда: **В. Масловский, Б. Романов, Е. Амвросьева, А. Карельский, И. Колядалардан** иборат қизиқчилар группаси қатнашади. Тамоша кеч соат 8 да бошланади. Касса эрталаб соат 11 дан очилади. Якшанба кунларида **3 мартадан тамоша** кўрсатилади. Билетлар ҳозирдан сотилмоқда.

«РОДИНА», НАВОИЙ номли «ИСКРА», «ЁШ ГВАРДИЯ», «ЎЗБЕКИСТОН», «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» ТИКУЧИЛАР МАДАНИЯТ САРОЙИ кинотеатрларида — кундуз **Александр Пархоменко**, кечқурун янги италъян бадиий фильми **Рим соат 11 да**.

СОБИР РАҲИМОВ номли кинотеатр — кундуз ва кечқурун **Рим соат 11** да.

НАВОИЙ номли кинотеатр — эрталаб соат 11 да ҳужжатли фильм **Океан музларида**.

МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ СОВЕТИ ИЖРОИЯ КОМИТЕТИНИНГ

## Мажбурий фармойиши

1954 йил 26 март № 6 Тошкент шаҳри

### Брюшной тиф (ич терлама) ва дизентерия (юрак буруғи) касалликларига қарши мажбурий тартибда эмлаш тўғрисида

Юқумли ичак касалликлари (брюшной тиф ва дизентерия) нинг пайдо бўлишига йўл қўймаслик учун, **Тошкент шаҳар Советининг ижроия комитети қарор қилади:**

1. 1954 йил 1 апрельдан 20 июньгача даврда саноат корхоналарининг ишчи ва хизматчилари, озиқ-овқат об'ектлари, шаҳар водопроводи, тозалаш иншоотлари, Горочистка ходимлари, медицина ходимлари, давлат муассасаларининг ходимлари, мактаб ўқувчилари, ўқув юртларининг студентлари болалар боқчалари, болалар яслилари, болалар уйлари, чақалоқлар уйларидаги болалар, шунингдек эпидемик кўрсатишларга мувофиқ бошқа гражданлар брюшной тиф ва дизентерияга қарши эмлансин.

ЭСЛАТМА: Медицина кўрсатишларига мувофиқ озод қилинган кишилар эмланмайди.

2. Шу касалликларнинг олдини олиш мақсадида эмлаш ишларини уюштириш ва бу ишларни ўтказиш устидан назорат қилиш шаҳар ва район соғлиқни сақлаш бўлимларига юклатилсин.

3. Брюшной тиф ва дизентерия касалликларига қарши мажбурий эмлашнинг ўтказилишидан бош тортишда айбдор бўлган кишилар мажбурий жавобгарликка — 100 сўмгача штраф тўлашга ёки бир ойгача муддат блан мажбурий ишга тортилсин.

4. Бу мажбурий фармойиш э'лон қилинган кундан бошлаб 15 кундан кейин кучга киради ва Тошкент шаҳри доирасида жорий этилади.

**Тошкент шаҳар Совети Ижроия комитетининг раиси Х. ЮСУПОВА.**

**Тошкент шаҳар Совети Ижроия комитетининг секретари Х. УСМОНОВА**

Огородная кўча, 7-нчи уйда турувчи **Ҳикоят Қосимованинг** Огородная кўча, 13-нчи уйда турувчи Йўлдош Қосимовдан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент шаҳар, Куйбишев район, 5-нчи участка халқ судида кўрилади.

Жарариқ кўча, 71-нчи уйда турувчи **Ҳожимурод Яминжоновнинг** Жарариқ кўча, Қизилшарқ проезд, 4-нчи уйда турувчи Қутби Қосимовадан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент шаҳар, Октябрь район, 4-нчи участка халқ судида кўрилади.

РЕДАКЦИЯ ВА НАШРИЕТ АДРЕСИ: Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, № 34. РЕДАКЦИЯ БЎЛИМЛАРИНИНГ ТЕЛЕФОНЛАРИ: коммутатор — 36334 ва 33262 орқали Партия турмуши бўлими — 157, Пропаганда бўлими — 157. Совет қурилиши бўлими — 137, Маданият бўлими — 135, Адабиёт ва сан'ат бўлими — 135, Қишлоқ хўжалик бўлими — 135, Саноат ва транспорт бўлими — 136, хатлар бўлими — 137, Секретариат — 34048, э'лонлар бўлими — 38142.

Р. 01702 «Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистони сурх» бирлашган нашриётининг босмахонаси. Нашр № 1308.